



## БУХОРОЛИК УЧ НАФАР ЖАДИД МУНАВВАРЛАРИГА АВЛОДЛАРИНИНГ УЧ КИТОБДА ЖАМЛАНГАН ҲУРМАТИ ВА ЭҲТИРОМИ

Ҳайитов Шодмон Аҳмадович

Бухоро давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси

Тарих фанлари доктори, профессор.

<https://doi.org/10.53885/edinres.2024.04.2.002>



*Аннотация:* Мазкур мақолада Туркистон ва Бухоро жадиличлик ҳаракатида ўчмас из қолдирган уч нафар тарихий шахс: Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа ва Отаулла Хўжаевлар ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган тадқиқотлар жамланган учта китоби ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек уч китобда жамланган, турли даврларда ёзилган ишларда илгари сурилган масалалар мазмун-моҳияти мухтасар ҳолда баён этилган.

*Калит сўзлар:* Жаид, қатаъон, фармон, минтақа, Туркистон, тараққийпарвар, эрк, ҳуқуқ, озодлик, истиқлол, матбуот, авлод, шажара, ҳукумат раҳбари, архив.

## THE RESPECT AND RESPECT OF THEIR DESCENDANTS IN THREE BOOKS TO THE THREE MODERN MASTERS OF BUKHARA

KhaitovShadmonAhmadovich

Department of «World History» of Bukhara State University doctor of history, professor.

*Annotation:* In this article, there is an opinion about three books containing studies on the lives and activities of three historical figures who left an indelible mark on the resistance movement of Turkestan and Bukhara: Fayzulla Khojayev, Usmon Khoja and Otaulla Khojayev. comments are made. Also, the content and essence of the issues put forward in the works written in different periods, collected in three books, are briefly described.

*Key words:* Jadid, repression, decree, region, Turkestan, progressive, freedom, right, freedom, independence, press, generation, genealogy, head of government, archive.

## УВАЖЕНИЕ И УВАЖЕНИЕ ИХ ПОТОМКОВ В ТРЕХ КНИГАХ ТРЕМЯ СОВРЕМЕННЫМ МАСТЕРАМ БУХАРЫ

Хаитов ШадмонАхмадович

Кафедра «Всемирной истории» Бухарского государственного университета  
доктор исторических наук, профессор.

*Аннотация:* В данной статье дается мнение о трех книгах, содержащих исследования жизни и деятельности трех исторических деятелей, оставивших неизгладимый след в движении сопротивления Туркестана и Бухары: Файзуллы Ходжаева, Усмон Ходжа и Отауллы Ходжаева. Также кратко описываются содержание и суть вопросов, выдвигаемых в произведениях разных периодов, собранных в трех книгах.

*Ключевые слова:* Джадид, репрессии, указ, область, Туркестан, прогрессивный, свобода, право, свобода, независимость, печать, поколение, генеалогия, глава правительства, архив.

Бухоролик қатағон қилинган уч буюк сиймо: тарих ва тақдир. Учта китоб. 1-китоб (Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар). Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи ҳамда илмий муҳаррирлар: С.Иноятов, Қ.Ражабов. Тақризчилар: Ш.Ҳайитов, О.Рашидов.– Бухоро: Дурдона, 2023. 580 бет.

Бухоролик қатағон қилинган уч буюк сиймо: тарих ва тақдир. Учта китоб. 2-китоб (Усмон Хўжанинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар). Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи ҳамда илмий муҳаррирлар: С.Иноятов, Қ.Ражабов. Тақризчилар: Ш.Ҳайитов, Д.Жамолова. – Бухоро: Дурдона, 2023. 452 бет.

Бухоролик қатағон қилинган уч буюк сиймо: тарих ва тақдир. Учта китоб. 3-китоб (Отаулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар). Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи ҳамда илмий муҳаррирлар: С.Иноятов, Қ.Ражабов. Тақризчилар: Б.Ҳасанов, Ш.Ҳайитов. – Бухоро: Дурдона, 2023. 384 бет.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5598-сонли Фармойиши ва Олий Мажлисга қилган Мурожаатларида Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларида ноҳақ номлари қораланиб, охир-оқибатда ўлимга маҳкум этилган миллатпарварлар юртдошларимиз, тараққийпарвар инсонлар ва жаҳид мунавварлари тарихини чуқур ўрганиш масаласи долзарб қилиб кўйилди. Туркистон минтақаси ва Ўзбекистон тарихида Бухоро тараққийпарварлик ҳаракати иштирокчилари, миллий мустақиллик учун кураш жараёнида турганларнинг муносиб ўрни бор.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М. Мирзиёев 2023 йил 22 декабрда Республика маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида: “...мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қираётган ҳозирги пайтда бизга жаҳид боболаримиз каби Ғарб илм-фани ютуқлари билан бирга, миллий кадрлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур[1]” – мазмунидаги фикрларни билдиргани бежиз эмас. Президент жаҳид мунавварларининг XX аср бошларида илгари сурган ғоялари, тақдим этган лойиҳа ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан кўп томонлама уйғун ва ҳамоҳанг эканлигини алоҳида таъкидладилар. Биз қураётган ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун уларнинг таълимоти пойдевор, мустаҳкам база бўлиши исбот талаб қилмайди.

Жаҳидчилик ва тараққийпарварлик ҳаракатида фаол иштирок этган миллатдошларимиз тақдири фожиали кечди. Уларнинг бир қисми совет ҳокимияти тазйиқ ва таъқиблардан қийналиб, хорижга, муҳожирликка кетишга мажбур бўлдилар.

Айримлар совет ҳукумати билан очикдан-очик муҳорабага киришиб ҳалок бўлдилар. Учинчи гуруҳ миллат фидоийлари мустақиллик, озодлик, ерк ва ҳуқуқ талаб қилганлари, шу эзгу мақсадларга ўз жонларини тикканлари эвазига қатағон болтаси остида қатл этилдилар. Бундай ватанпарварлар Бухорода ҳам оз эмасди. Тарих фанлари докторлари, профессорлар С.И.Иноятов ва Қ.К.Ражабовлар томонидан сабаб ва хайрли ишга қўл урилиб, уч буюк ва табаррук инсонлар: Файзулла Хўжаев (1896-1938), Усмон Хўжа (1878-1968), Отаулла Хўжаев (1880-1937)лар ҳаёти ва фаолиятини ўзида мужассамлаштирилган совет ҳокимияти йилларида, мустақилликнинг ортда қолган даврида ва айрим хорижда ёзилган ишлар жамланмасидан иборат учта тўплам яратилди[2]. Уч китобдан иборат характеридаги биринчи китоб Бухоро жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири, БХСР ва Ўзбекистон ССР ҳукумати раҳбари лавозимларида ҳалол ҳамда виждонан фаолият юритган, охир-оқибатда 1938 йилда “немис айғоқчиси”, “Ватан хоини” каби асоссиз айблар билан ўлим жазосига ҳукм қилинган Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолиятига тегишли маълумотларни ўзида жамлаган. Китоб саҳифаларини варақлар эканмиз, турли йилларда Файзулла Хўжаев шахсияти, сиёсий фаолияти, ҳуқуқий қарашлари, истиқлол учун курашлардаги иштироки, публицистикаси, Ўзбекистон иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига қўшган ҳиссасига оид бой манбаларга эга бўламиз. Ҳукумат ва давлат арбоби Файзулла Хўжаев феномени билан боголиқ асарлар таҳлили шуни кўрсатадики, у ўта мураккаб, зиддиятли кечган даврда, “марказ” босими остида раҳбарлик масъулиятини ўз зиммасига олди, иккинчи томондан эса миллат манфаатларини ҳам ҳеч қачон унутмади. Умуман совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда раҳбарлик лавозимида фаолият юритган шахсларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин. Ижобий ва салбий шахслар ҳақида фикр билдирилар экан, айнан Файзулла Хўжаевдан ижобий шахслар рўйхати бошланади. Шу сабабли Файзулла Хўжаев тимсоли тарихий шахслар орасида тадқиқотчилар кўп сонли бўлиб унга мурожаат қилишлари билан боғлиқ тенденцияни келтириб чиқарди. Совет ҳокимияти йилларида ҳам, мустақиллик йилларида ҳам Файзулла Хўжаевшахсига мурожаат қилиш унинг фаолиятини илмий баҳолаш кун тартибидан сира тушмади. Бу жиҳат Ф. Хўжаев га нисбатан гоҳ салбий, гоҳ ижобий муносабат билдириш орқали “Хўжаевшунослик” давом етди. Файзулла Хўжаевтўғрисида тўла тасаввурга эга бўлиш учун унинг ҳамон ўша давр матбуот органлари қатламларида сақланиб келаётган уч томлик “танланган асарлар” тўпламига кирмаган ишларини амалдаги имлога ўтириб, илмий жамоатчилик ҳукмига тақдим этиш зарур.

Айниқса, истиқлол йилларида Файзулла Хўжаевфеноменига қизиқиш кучайганлиги, ушбу инсон ҳақида диссертациялар ёзилгани, халқаро, минтақавий ва Республика миқёсида илмий-амалий анжуманлар ўтказилгани, унинг юз йиллиги 1996 йилда нишонлангани, уларнинг материаллари китобхонга жуда катта маънавий озуқа беради. Ф.Хўжаевшахсини ўрганишда тарихчи олимлардан С.И.Иноятов, Қ.К.Ражабовлар истиқлол йилларида рисола ва мақолалар яратиб, унинг ҳамон илмий жамоатчиликка номаълум қирраларини очишга жонбозлик кўрсатдилар. Бу борада ёш олимларнинг Ф.Хўжаевва БХСР тарихига бағишланган диссертацияларининг авторефератлари китобга ўз ҳолича киритилгани айни муддао бўлган. Бу ҳукумат қарорларидан кўчирма, архивларда сақланаётган фотолавлар ҳам китобхонга анча маълумотлар тақдим этади. Китобда юртимизда “Хўжаевшунослик” юзага келганлиги, ушбу йўналишда истиқболда амалга ошириш керак бўлган илмий ва амалий вазифалар дастури ҳам белгилаб берилган. Янги Ўзбекистон шароитида Файзулла Хўжаеву музейини унинг номига қайтарилиши айни муддао бўлганини, Бухорода давлат раҳбари ташаббуси билан “жадидлар мероси давлат музейи”ни ташкил этила бошлагани китоб маънавий-маърифий базасига пойдевор бўлгани шубҳасиз.



Ф.Хўжаевга бағишланган китобнинг яна бир аҳамияти шундаки, истиқболда мазкур шахс тарихига оид тадқиқотлар олиб боришга қўл урмоқчи бўлганлар учун бой манбавий асос бўла олади.

Иккинчи китоб Файзулла Хўжаевнинг қариндоши, тақдири замондошларидан турли хил кечган умрининг ярмидан кўпини хорижга яшаган Усмон Хўжа Бухоро амирлигида маърифатчилик, жадидчилик ҳаракатида фаол иштирок этган. БХСРда бир қатор масъул вазифаларда ишлаган ва БХСР МИҚнинг биринчи раиси сифатида тарихда ном қолдирган. Ушбу инсон хорижда туриб ҳам миллий истиқлол учун курашнинг олдинги сафларида бўлган. Унинг ҳаёти, Туркистон озодлиги ва маданияти тарихига кўшган ҳиссаси ҳақида фарзанди-аржуманди профессор Темурхўжа Усмон Хўжа ўғли (1947 йилда Туркиянинг Истанбул шаҳрида таваллуд топган, Туркия республикаси фуқароси) томонидан эълон қилинган ишлар, профессорлар С.И.Иноятов, Қ.К.Ражабов, Ш.А.Ҳайитов, Р.Т.Шамсутдиновларнинг мақола ҳамда рисолалари муҳим ўрин эгаллаган. Шунингдек фарғоналик ёш тарихчи олим А.М.Маҳмудовнинг Усмон Хўжага бағишлаб ёзилган диссертацияси автореферати ҳам китобда тўлиқ берилгани айни муддао бўлган. Китобхон китоб саҳифаларидан Усмон Хўжасийёсий фаолияти билан бирга, унинг матбуотчилик, миллий уюшма ва ташкилотлардаги иштироки масалалари билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлади. Китоб саҳифалари ва унда баён этилган воқеликлар орқали Усмон Хўжа хорижда истиқлол учун курашлар билан бирга, Туркистон тарихи ва маданияти масалалари билан фаол шуғулланганидан воқиф бўламиз. Усмон Хўжага Истанбул (Туркияда “Янги Ўзбекистон” (“Ени Туркистон”) мажмуасига асос солиб, 1927-1931 йилларда унинг 24 та сонини чоп еттирди. Ушбу мажмуанинг деярли барча сонларида Туркистон ижтимоий-иқтисодий, маданий адабий ижод намуналари ҳисобланган шеърларини эълон қилди. Усмон Хўжа Истанбулда “Туркистон генчлари уюшмаси” (Туркистон ёшлари ташкилоти)ни 1927 йилдаёқ тuzган еди. У ёшларини хорижда таъдим олишига ҳомийлик қилди ва ҳоказо).

Усмон Хўжага қаратилган иккинчи китобда унинг шажараси, аجدод ва авлодлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Усмон Хўжа ҳаёти ва фаолиятини акс еттирувчи ва турли архивларда сақланувчи архив ҳужжатлари, фотолавҳалар китоб саҳифаларидан ўрин олиши, уни тартибга солишда муаллифлар анчагина тер тўққанлигидан далолат беради.

Учинчи китоб Файзулла Хўжаевнинг амакиси, Усмон Хўжанинг укаси, жадидчилик ҳаракати иштирокчиси, Истанбулда (Туркия Республикаси) таҳсил олган Отаулла Хўжаевга бағишлаб ёзилган ишлар жамланмасидан иборат. Отаулла Хўжаев Усмон Хўжа ва Файзулла Хўжаевлар билан бир сафда турган, Бухоро мустақиллигига жонини тиккан шахслардан бири бўлган. Бироқ, Отаулла Хўжаев ҳақидаги тарихий ҳақиқат узоқ йиллар айтилмай келгани, профессор Қ.К.Ражабов таъкидлаганидек, унинг “унутилган сиймо” эканлиги маълум бўлади. Учинчи китобда асосан мустақиллик йилларида профессорлар С.И.Иноятов, Қ.К.Ражабов, ёш тадқиқотчи Ф.Амонова ва З.З.Ортиқовларнинг мақолалари жамланган.

Отаулла Хўжаев БХСР ҳукуматида 1920-1923 йилларда Халқ Нозирлар Шўроси раиси муовини (бир муддат раис) лавозимида ва бошқа масъул вазифаларда фаолият юритган. Унинг 1937 йилга қадар бўлган кейинги ҳаёт йўли Ўзбекистоннинг турли ташкилотларида хўжалик ишларида фаолият юритиш билан боғлиқ. Отаулла Хўжаев кенг камровли фаолияти давомида БХСРда касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари каби жамоат ташкилотларини оёққа қўйишда, “Добролёт” (Кўнгилли флот дўстлари уюшмаси) кабиларни ташкил этишда олдинги сафларда бўлган. Унинг жонбозлиги туфайли Бухорода кенг тарқалган юқумли касалликларни бартараф этиш, ёшларни хорижга ўқишга юбориш, миллий милицияни шакллантириш, истиқлолчиларни қўллаб-қувватлаш, “босмачилар”га умумий авф беришга еришиш, миллий кадрларни бошқаришга жалб

этиш каби ижобий ишлар амалга оширилган. Отаулла Хўжаев 1925-1937 йилларда қайси вазифада ишлагани ўз бурчини виждонан адо этган.

Китобда авлодчилик ришталари билан тўғридан-тўғри Отаулла Хўжаевга боғланган профессор С.И.Иноятлов (олимпнинг ота томонидан бобоси) аждоди ҳақида ҳали илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган материалларни, фотоларни тақдим этиши муҳим аҳамиятга моликдир. Китоб билан танишиш асносида амин бўлиндики, Отаулла Хўжаев шахсияти билан боғлиқ кўп масалалар ҳамон очик қолмоқда. Ушбу инсоннинг падарибузруквори Пўлатхўжаяшаган йиллар, 1925-1937 йилларда фаолият олиб борилган ташкилотлардаги иштирок ва ҳ.к. Бироқ, учинчи китобда Отаулла Хўжаев билан боғлиқ ҳамон сир сақлаб келинган “махфий грифи” остида эълон қилинмай қолиб кетган тергов ҳужжати материалларнинг киритилиши бундан кейинги бу йўналишда илмий изланиш олиб борадиганларга кўп имкониятлар яратилиши шубҳасиз.

Тарих фанлари докторлари, профессорлар С.И.Иноятлов ва Қ.К.Ражабовларнинг илмий хизмати туфайли нашр юзини кўрган уч йирик китоб бугунги авлодга Бухорода жаҳидчилик ҳаракати ва миллий озодлик кураши тарихидан огоҳ бўлишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу китоблар орқали уч нафар қатағонга учраган миллий фидоийларнинг руҳи-поклари шод бўлди, уларнинг инсоний кадр-қиммати ўз жойига қўйилди. Шунингдек, ушбу китоблардаги қимматли маълумотлар Ватан тарихининг XIX аср охири - XX аср дастлабки ўн йилликларида мураккаб, зиддиятли, чалкашликларга бўлиб тошган саҳифаларига аниқлик киритишга хизмат қилиши кишида ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Халқимиз сиёсий онги ва истиқлол мафкурасини мустаҳкамлашда юқоридаги каби нашрларнинг роли беқиёслигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Бу китоблар чоп этилишининг яна бир тарихий жиҳати илмий мактаб яратган икки таниқли олимлар Сулаймон Иноятлович Иноятловнинг 85 йиллиги ва Қаҳрамон Кенжайевич Ражабовнинг 60 йиллиги нишонланаётган кунларда инсонлар кўлига тегиши нур устига аъло нур бўлди. Ҳар иккала професорни яна бир бор чин қалбдан кутлаб, уларга ижодий баркамоллик ва узок умр тилайман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак / Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2023-йил 22-декабрдаги кенгайтирилган мажлисидаги нутқ // Халқ сўзи; 2023-йил 23-декабр, №274 (8617)

2. Бухоролик қатағон қилинган уч буюк сиймо: тарих ва тақдир. Учта китоб. 1-китоб (Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар). Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи ҳамда илмий муҳаррирлар: С.Иноятлов, Қ.Ражабов. – Бухоро: Дурдона, 2023. 580 бет.

3. Бухоролик қатағон қилинган уч буюк сиймо: тарих ва тақдир. Учта китоб. 2-китоб (Усмон Хўжанинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар). Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи ҳамда илмий муҳаррирлар: С.Иноятлов, Қ.Ражабов. – Бухоро: Дурдона, 2023. 452 бет.

4. Бухоролик қатағон қилинган уч буюк сиймо: тарих ва тақдир. Учта китоб. 3-китоб (Отаулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар). Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи ҳамда илмий муҳаррирлар: С.Иноятлов, Қ.Ражабов. – Бухоро: Дурдона, 2023. 384 бет.

5. Тарихчи олим профессор Сулаймон Иноятлов илмий мактаби (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Қаҳрамон Ражабов, Баҳодир Маъмуров). – Бухоро: Садриддин Салим Бухорий, 2024. -184 б.

6. Сулаймон Иноятлович Иноятлов библиография (Нашрга тайёрловчи ва тузувчи Қаҳрамон Ражабов) – Бухоро, 2023. -127 б.